

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ 52-1.04-1

2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг 2011 йил  
17 сентябрдаги 392-сон буйруғи билан  
тасдиқланган

**TAJRIBA-SINOV**

**ДИНШУНОСЛИК  
фанидан намунавий  
ДАСТУР**

(бакалавр йўналиши учун)

**Тошкент – 2011**

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган.

Ушбу дастур “Диншунослик” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Тажрибавий дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

**Тошкент шаҳар, 2-Чимбой кўчаси 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.**

Фаннинг ўқув дастури Тошкент ислом университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчиilar:**

Йўлдошхўжаев X.X. – тарих фанлари номзоди, доцент (ТИИ)  
Раҳимжонов Д.О. – тарих фанлари номзоди, доцент (ТИУ)  
Комилов М.М. – тарих фанлари номзоди, доцент (ОЎМТВ)

### **Тақризчиilar:**

Исломов З. – филология фанлари доктори, профессор (ТИУ)  
Эшонжонов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент (ТДШИ)

Фаннинг ўқув дастури Тошкент ислом университети Илмий-услубий кенгаси томонидан тавсия этилган (2011 йил 22 августдаги 1-сон баённома)

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб, ўзаро илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда виждан эркинлиги қонунан ва амалда кафолатланди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон учун нисбатан янги бўлган диншунослик фани ҳам шаклланди. Диншунослик фани жамиятда ўзининг функционал вазифаларига эга бўлган динни илмий ва холисона ўрганади.

Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний қадрият ва анъаналар муҳим ўрин эгаллаб келган. Ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда аждодлар маънавий меросининг ўрни бекиёсдир. Инсоннинг руҳий камолотига хизмат қилувчи қадриятлар асрлар давомида диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда динлар тарихи, муқаддас манбалари, таълимотларини ўрганиш тарихини, ўзлигимизни англашга ёрдам беради.

## **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – талабаларга миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар илиа үйғуналиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, уларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли қадрларни тарбиялашдан иборат.

**Фанинг вазифаси** – талабаларни турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар бериб, уларда мазкур дин вакилларини ҳар томонлама чуқурроқ тушуниб етиш ва улар билан мулоқот қилишда ўзларининг буюк маънавият эгаси эканликларини намоён қилишлари учун етарли билим бериш, шунингдек, аждодлар меросини ўрганиш ва ўргатиш асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ўзликни англашни шакллантиришдан иборат.

## **Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникума ва малакасига кўйиладиган талаблар**

«Диншунослик» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– диннинг умумий таърифи, унинг келиб чиқиши, таълимоти муқаддас манбалари, йўналишлари, жаҳонда мавжуд бўлган динларнинг муштарак хусусиятлари, динлар, улардаги оқимлар ва мазҳаблар, диннинг жамиятдаги вазифалари, дунёнинг конфессионал харитаси, дунё ҳалқларининг динга боғлиқ қадриятлари тўғрисида, дин ва қонун ўзаро муносабатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ти Қонун ҳақида **билиши керак**;

– диннинг инсоният тарихий тараққиётида тутган ўрни, унинг инсониятга ўтказган ижтимоий-психологик таъсири, бирлаштирувчилик, қонунлаштирувчилик, тартибга солувчилик, тасалли берувчилик каби жамиятдаги вазифалари, дунё маданияти ва санъати соҳаларининг шаклланишида диннинг ўрнини ҳамда буддизм, христианлик, ислом каби жаҳон динлари ва конфуцийчилик, яхудийлик, ҳиндуйлик каби миллий динларнинг келиб чиқиши, таълимоти, муқаддас манбалари ва ҳозирги замонда тутган ўрнини, диний маросимларни ажратса олиш **қўникмаларига эга бўлиши керак**;

– диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиш, дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида жамиятнинг бошқа аъзоларини баркамол шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш, Ватанига ва миллий қадриятларига садоқатли, ҳар томонлама етук комил инсонларни тарбиялаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Диншунослик фани тарих, фалсафа, филология, этнография, ижтимоий психология, маънавият асослари каби бир қатор фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар билан уйғунлаштирилган ҳолда ўқитилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Диншуносликнинг гуманитар фанлар қаторида олий ўқув юртларида ўрганилиши ҳозирги давр талабига мос келади. Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни фақат иқтисодий, сиёсий тадбирлар ва хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш билангина тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун жамиятдаги маънавий-маданий, диний-маърифий соҳани ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Диншунослик фани, энг аввало, талабаларни мустақил фикрлашга рағбатлантирадиган, Президент Ислом Каримов асарларини қунт билан ўқиш ва ўзлаштириш, маънавий-маданий соҳадаги масала ва муаммолар бўйича эркин фикр юрита олиш қобилиятини ўстирадиган янги педагогик технологиялар асосига қурилган.

Курс мобайнида интерфаол усувларнинг турли шаклларидан, замонавий электрон техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотлар мустақиллик йилларида қад тиклаган обидалар, таъмирланган зиёратгоҳлар, музейларга ташриф уюштириш, маданий мерос ва маънавий ҳаётга алоқадор жойларга чиқиш шаклида ташкил этилади.

## Асосий қисм

### Диншунослик фанига кириш

Диншунослик фанини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад. Уни миллий истиқлол ғояси ҳамда умуммиллий қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш. Бу соҳада эришилган ютуқлар. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар. Динлар таснифи. Дин эътиқод сифатида. Дин ва қонуннинг ўзаро муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкilotлар тўғрисида»ги Қонун. Динга берилган таърифлар. Диншунослик соҳалари. Динга социологик нұқтаи назардан ёндашув. Диннинг ижтимоий вазифалари: компенсаторлик; интеграторлик; регуляторлик; легитимловчилик; диннинг фалсафий, назарий жиҳатлари. Диний тафаккурнинг шахсий ёки ижтимоий илдизлари. Динлар таснифи: уруғ-қабила динлари, миллий динлар, жаҳон динлари, монотеистик ва политеистик динлар.

### Диннинг ибтидоий шакллари

Ибтидоий диний онг асослари. Диний тушунчаларнинг инсон маънавий хаёти ва унинг ижтимоий муносабатларига таъсири. Тотемизм. Анимизм. Шаманизм (магия). Фетишизм. Ибтидоий мифология. Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари ва улардаги диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Қадимий динлар тарихини акс эттирувчи манбаларнинг турлари. Археологик топилмалар, этнографик материаллар. Озиқ-овқат топиш, шахсий хаёт хавфсизлиги, барҳаётлик, авлод қолдириш – инсоннинг энг қадимий ва асосий орзулари. Ўлим (мамот) ва дағн билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, маросимлар ва урф-одатлар.

Одамзот жамият бўлиб яшашигача бўлган даври. Одамзотнинг жамият бўлиб яшашга ўтиши ва ибтидоий диний эътиқодлари. Илк табу (такиқ) ва тотемлар ҳақидаги тасаввурларнинг юзага келиши, мифологиянинг шаклланиши.

Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари. Курбонлик келтириш урф-одатлари. Ўлим ва охирзамондан кейинги хаёт. Урван ва фраваши руҳлари. «Барча руҳлар» байрами. Бошқа диний маросимлар.

Шаманизмда руҳонийнинг эътиқод қилувчилар орасидаги ўрни. Шаман ва бошқаларнинг руҳлар ҳақидаги тасаввурлари. Шаманизм динининг замонавий кўринишлари.

### Миллий динлар

Миллий динлар ва уларга хос хусусиятлар. Яхудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти. Яхудийликда мессия – халоскорнинг келиши ҳақидаги таълимот. Яхудийликдаги оқим ва йўналишлар. Садуқийлар, Фарзийлар, Ессеилар. Яхудийлик манбалари. Мусо пайғамбарга Тур тогида берилган Тора (Таврот). Талмуд, Мишна ва Гемара шарҳлари. Яхудий маросимлари ва байрамлари – Пейсаҳ (Пасха), Шабуот, Йом-Кипур – покланиш, Рош-Ашона, Пурим (Қуръа). Яхудийликнинг Марказий Осиёга кириб келиши.

Веда ва веда динлари. Ведалар. Ведалардаги афсонавий худолар. Браҳманлик. Браҳманлик таълимотида касталар: браҳманлар; кшатрийлар; вайшлар; шудралар. Браҳманликдаги рухнинг кўчиб ўтиш ҳақидаги таълимот. Ҳиндуййлик. Ҳиндистондаги каста тузумини сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракат. Браҳманлик билан буддизм ўртасидаги кураш. Браҳманликда тан олинган асосий уч худо: 1) Брахма; 2) Вишну; 3) Шива, Ҳиндуййлик таълимоти. Ҳиндуййлиқдаги жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар.

Конфуцийчилик. Қадимги Хитойда Кун-Цзи фалсафий таълимотининг пайдо бўлиши. Конфуций – қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси. Конфуцийнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғоялари. Конфуций ишлаб чиқкан идеал, олий инсон, асл, мард киши концепцияси. Конфуцийчиликнинг, диний манбаси. Конфуцийчиликда диний маросимлар: никоҳ, дафн этиш ва қурбонлик, Пин-Цзин маросимлари; Осмон Худоси-конфуцийчиликнинг бош худоси. Конфуцийнинг илоҳийлаштирилиши.

Зардушт ҳаёти ва фаолияти. Зардушт таълимоти. Зардустийликнинг шоҳ Виштаспа томонидан қўллаб-қувватланиши. Авесто зардустийликнинг муқаддас манбаси. Кўпхудоликдан яккахудоликка ўтиш. Зардустининг ватани ҳақидаги баҳслар. Зардустийликнинг диний таълимоти. Ахурамазда. Ахриман. Ҳар бир киши устидан ҳисоб-китоб ўтказилиши, қиёмат (охирзамон), жаннат, жаҳаннам, аросат, танларнинг қайта тирилиши, тана ва рухнинг қайта бирикиб, барҳаёт бўлиши ҳақидаги тасаввурлар. Зардустийлик расм-русумлари. Олов тозаланиш рамзи сифатида. Ўтганлар рухи. Даҳмалар. Остодонлар. Зардустийликнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарқалиши. Ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган зардустийликка оид таълимот, қараш ва урфодатлар.

Даосизмнинг вужудга келиши. Даосизм – фалсафий таълимот. Даосизмнинг фалсафий тамойиллари баён этилган «Дао-Дэцзин» китоби. Хитой донишманди Лао-Цзининг тарихийлиги масаласи. «Дао» – ҳаёт тарзи.

## **Буддавийлик**

Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик таълимоти. Буддавийликнинг тарқалиши. Буддавийлик манбалари. Будда Шакъямуни ҳаёти ва таълимоти. Роҳиблар ва хонақоҳлар. «Ўткинчи дунё» ҳақидаги тасаввурлар. Ахлоқ. Медитация – ҳақиқат ҳақидаги илм. Император Ашока (мил. ав. 273-232 йиллар) даврида буддизмнинг шимолга тарқалиши. Кушон империяси худудида буддавийликнинг қарор топиши. Эфталитлар. Буддавийликнинг Марказий Осиёдаги инқирози (V-VIII асрлар). Буддавийлик ғояларининг бошқа динларга таъсири. Диний муросасозлик, ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги. Археологик топилмалар: Айритом, Қоратепа, Даъварзинтепа, Қува, Зартепа, Чингизтепа, Қоровултепа. Шакъямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар, ступа қолдиқлари. Ёзма манбалар. Буддавийликнинг махаяна, хинаяна, важраяна, ламаизм ва бошқа оқимлари. Унинг минтақавий шакллари. Ҳозирги замонда буддавийлик.

## **Христианлик**

Христианлик жаҳон дини. Исо Масих (Иисус) хаётига доир илмий баҳслар. Яхудийлик доирасида илк христиан жамоаси. Муқаддас китоблар. Асосий ақидалар ва амаллар. Рухонийлар ва жамоа. Черков ташкилоти. Илохиёт илми соҳасидаги мактаблар. Диний фалсафа. Христиан черковидаги бўлинишлар. Черков тарихи. Католик, православ, протестант йўналишлари. Рохиблиқ. Христиан дини ва санъат. Ҳозирги замонда христиан дини. IV асрдан бошлаб насронийларнинг Марказий Осиёга кўчиб кела бошлиши. Факторияларнинг вужудга келиши. Суғдиёна христианлари. Турк хоқонлари. Мўғул хонлари орасида христиан дини. Ёзма манбалар. Марказий Осиё Россия империяси таркибида. Марказий Осиёда Европа аҳолиси сонининг ўсиши. Янги диний жамоалар. Христиан маданияти. Баптистлар. Ҳозирги даврда Ўзбекистондаги христиан жамоалари ва уларнинг диний ҳаёти. Павлус (Павел) исмли шахснинг масиҳийликда тутган ўрни. «Ҳаворийларнинг фаолияти» («Деяния Апостолов») китоби. Павлуснинг сифатлари. Библия. Қадимий Аҳд. Янги Аҳд. Таврот – Мусога тегишли бўлган беш китоб. Инжил – хушхабар маъносини англатувчи китоб. Христианлик ҳозирги кунда.

## **Ислом**

«Жоҳилия» даври арабларининг диний анъаналари ва кўпхудолик. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ – диний раҳнамо ва давлат арбоби. Набий ва Расул сўзларининг маъноси. «Шаққи садр» воқеаси. Пайғамбарнинг Ҳадича бинт Хувайдидга уйланиши. Каъбанинг таъмир этилиши. Ҳиро ғорида ваҳийнинг нозил бўла бошлиши. Яширин тарғиботнинг бошланиши. Илк мусулмонлар ва уларга Макка мушриклари томонидан тазиик кўрсатилиши. Ҳабашистонга ҳижрат ва Нажоийнинг мусулмонларга муносабати. «Исро ва Мерьож» воқеаси. Мадинага ҳижрат. «Бадр» жанги. Илк ислом давлатчилик муносабатларининг вужудга келиши. Ҳудайбия шартномаси. Макканинг фатҳ этилиши. Ал-Хулафо ар-Рошидун даври. Умавийлар давлати. Аббосийлар давлати. Исломдаги илк фирмаланиш. Исломдаги бағрикенглик тамойиллари. Ислом ва ҳозирги замон.

## **Исломнинг асосий манбалари**

Куръоннинг 23 йил мобайнида нозил бўлиши. «Куръон» сўзининг маъноси. Унинг таркиби. Сураларнинг нозил бўлиш даврига қараб тақсимланиши. Макка суралари. Мадина суралари. Илк «Суҳуф» - Куръон оятларининг жамланиши. Халифа Усмон ибн Аффон даврида Куръоннинг китоб ҳолига келтирилиши. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. Куръонни ўрганиш асосий мактабларининг вужудга келиши. Уни тушуниш, талқин этишда турли ёндашувлар. Қироат, тафсир, сарф-нахъ, носих ва мансух, сабаби нузул каби Куръон илмларининг тараққиёти.

Ҳадис. Ал-Ҳадис ан-набавий. Ал-Ҳадис ал-қудсий. Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги манбаи. Ҳадисларни йиғиш (талаб ал-илм) ва жамлаш (VIII-IX асрлар). *Муснад, сунан, сахиҳ ҳадис* тўпламларининг вужудга келиши.

Машхур муҳаддислар. Имом ал-Бухорий – буюк муҳаддис. Ислом таълимотининг кейинги даврдаги тараққиёти ва ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқишида ҳадисларнинг ўрни. Тасаввуф таълимоти. Нақшбандия. Кубровия. Яссавия. Ҳозирги замонавий тариқатчилик.

### **Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар**

Исломдаги йўналишлар. Сиёсий партия, ҳаракат, фирмә ва гуруҳлар. Ақидавий таълимотлар. Фиқҳий мазҳаблар. Исломдаги илк бўлинишларнинг бошланиши. Ҳокимият масаласидаги турли фикрлар. Сиффин воқеаси. Хорижийлик йўналиши ва таълимоти. Мўътазилийлик асосчиси ва таълимотлари. Шиа йўналишининг мазҳаб ва таълимотлари. И smoилия. Қарматийлик таълимоти ва ҳаракатлари. Суннийлик ақидаси ва мазҳаблари. Ҳанафийлик мазҳаби. Тасаввуф йўналиши ва тариқатлари. Яссавия, Кубравия, Нақшбандия тариқатлари. Замонавий суфийлик таълимотлари. Мотуридия ва Ашъария ақидавий таълимотлари.

Ваҳҳобийлик ҳаракатининг келиб чиқиши. Ваҳҳобийликнинг Марказий Осиёда тарқалиши. XX асрдаги ислоҳотчилик ҳаракатлари. Панисломизм, панарабизм, пантуркизм тушунчалари. Таблиғ гуруҳи. Ихвонул муслимин ташкилотининг тузилиши, турли фирмаларга бўлиниши. Ҳизбут таҳрирнинг шаклланиши, таълимоти, мақсадлари. Нурчилик ҳаракатлари, мақсадлари. Акромийлик ҳаракатлари ва уларнинг аянчли оқибатлари.

Фундаментализмнинг вужудга келиши. Биринчи жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солиниши. Экстремизмни келтириб чиқарувчи омиллар. Терроризмга қарши курашда маърифий исломнинг роли. Радикал диний оқимлар. Фанатизмнинг салбий оқибатлари. Собиқ Иттифоқдан кейинги маконда диний омилнинг фаоллашуви. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар тузишнинг тақиқланиши. Диний экстремизмга қарши курашишда ёшларга миллий истиқлол ғояларини сингдиришнинг аҳамияти.

### **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар**

Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлиги. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонунан кафолатланиши. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставида виждон эркинлигининг ўз ифодасини топиши. Бу масаланинг давлат, жамият ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишидаги аҳамияти. Кишилар эътиқодининг турлилиги.

Мустақиллик ва дин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждон эркинлигининг кафолатланиши. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши. Ўзбекистонда амалда бўлган турли диний конфесиялар. Миллий истиқлол ва маънавият бир-бирига мустаҳкам боғлиқ тушунча эканлиги. Маънавиятнинг тарихан қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни.

Дунёвий давлатда диннинг ўрни. «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» тамойилининг моҳияти. Дин сиёсийлашувининг салбий оқибатлари. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.

Баркамол инсонни шакллантириш Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг назарий асоси эканлиги. Дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида ҳар бир одамда шахсий фикр, мавқенинг шаклланиши. Имонли, виждонли, комил инсонларни тарбиялаш мустақил Ўзбекистон келажагининг кафолати.

### **Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари**

Миссионерликнинг келиб чиқиши. Мақсад ва ғояси. Дастребки миссионерлик фаолияти. Августин бошчилигидаги миссионерларнинг Британияга жўнатилиши. «Салб юришлари» ва миссионерлик. «Муқаддас Ери озод қилиш» шиори. XIII-XVI асрларда христиан миссионерлигининг Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ҳам кириб бориши. Миссионерликнинг ташкилий асослари. Жаҳондаги миссионер ташкилотлар. «Халқаро миссиялар кенгаши» ва «Бутунжоҳон черковлари кенгаши» фаолияти. Прозелитизм. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар. Ёшларга таҳди迪, миллий қадриятларнинг емирилишига ҳаракат. Миссионерлик сиёсий восита сифатида. Миссионерликка қарши курашнинг мафкуравий ва ҳуқуқий асослари. Миссионерлик – диний бағрикенглик ва миллий тотувликка зарба. Дунёнинг диний манзараси. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётан диний конфессиялар. Миссионерликнинг мазмун-моҳияти. Замонавий миссионерлик уюшмалари. Инжиллаштиришдан кўзланган мақсадлар. Миссионерлик услублари ва воситалари. Марказий Осиё минтақасида миссионерлик ҳаракатларини кучайтиришга уринишлар. Миссионерликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Диний маърифат ва бағрикенглик – конфессиялараро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт омили.

### **Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Диншунослик фани бўйича семинар машғулотларида маърузада баён қилинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, фан бўйича олинган билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш, талабаларнинг илмий-тадқиқот олиб бориш ва билиш қобилиятларини ўстириш, назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида икки томонлама яқин алоқа ўрнатилади: жонли суҳбат олиб борилади, ўзаро фикр алмасиши ва турлича қарашларни ифода этиш жараёнида фаннинг хусусий масалаларини чукур ўрганиш мақсадини амалга оширади. Бунда замонавий педагогик технологиянинг интерфаол усуслари қўл келади.

Бу усуслар ёрдамида ўтказилган семинар машғулотларидан асосий мақсад-талабаларнинг фаол ишлаши ва мустақил фикрлаши, ўз-ўзини баҳолаш ва бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, мустақил ишлаш ҳамда гурухда ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Семинар машғулотларидан баъзиларини аудиториядан ташқарида музей, кўргазма заллари, галерея ва уй-музейларда ўтказиш яхши натижа беради.

Тавсия этиладиган семинар машғулотларининг тахминий мавзулари ва уларнинг мазмуни:

### **Диншунослик фанига кириш**

Диншунослик фанининг мақсади. Диншуносликнинг таснифи. Динлар тарихи. Диншунослик фанининг тарбиявий вазифаси.

### **Диннинг ибтидоий шакллари**

Диний онг асосларининг шаклланиши. Тотемизм, анимизм, шаманизм кўринишлари. Ибтидоий мифология. Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари.

### **Миллий динлар**

Миллий динларга хос хусусиятлар. Яхудийлик дини, тарихи, таълимоти. Ведизм дини ва манбалари. Зардуштийликка оид қарашлар.

### **Буддавийлик**

Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик таълимоти. Буддавийликнинг Марказий Осиёда тарқалиши. Ҳозирги замонда буддавийлик.

### **Христианлик**

Христианликнинг вужудга келиши. Христианлик таълимоти. Христианлик йўналишлари. Ўзбекистонда христианлик.

### **Ислом**

Жоҳилия даври динлари. Мұхаммад Пайғамбар ҳаёти. Макка ва Мадина даврида ислом. Ислом ва ҳозирги замон.

### **Исломнинг асосий манбалари**

Қуръоннинг нозил бўлиши ва китоб ҳолида жамланиши. Тошкентдаги Усмон Мусҳафи тарихи. Ҳадис илми ва буюк мухаддислар. Ҳадисларнинг маънавият тараққиётидаги ўрни.

### **Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар**

Исломдаги асосий йўналишлар. Суннийлик мазҳаблари. Ваҳҳобийлик: ғоявий-сиёсий харакат сифатида. Замонавий диний-экстремистик оқимлар.

### **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар**

Виждон эркинлиги – диний эътиқод эркинлиги. Халқаро хужжатларда виждон эркинлиги масаласи. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждон эркинлигининг кафолатланиши. 1998 йил 1 майда янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши.

## **Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари**

Миссионерликнинг келиб чиқиши, мақсад ва ғоялари. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар. Миссионерликнинг минтақавий хусусиятлари. Миссионерликнинг олдини олишнинг хуқуқий асослари.

### **Мустақил ишларни ташкил этиш шакли ва мазмуни**

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор талабанинг берилган мавзулар (амалий масалалар, топшириқлар ва кейс-стадилар)ни мустақил равишда, яъни аудиториядан ташқарида бажариши, ўқиб ўрганиши ва шу йўналиш бўйича билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришига қаратилади. Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- мустақил ишлар, кейс-стадилар билан ишлаш;
- маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- фанга оид маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Диншунослик фанидан талабаларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, доклад тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзуларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

### **Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:**

1. Маданият ва дин.
2. Диннинг жамиятда ва инсон ҳаётида тутган ўрни.
3. Шарқ Уйғониш даврида диннинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Исломий қадриятлар ва ҳозирги замон.
5. Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида диний-маънавий меросга муносабат.
6. Анъанавий динларнинг дунё маданиятида тутган ўрни.
7. Дин ва маънавий мерос.
8. Диний бағрикенглик маданияти.
9. Истиқлол – миллий-маданий тараққиётнинг омили.
10. Дин ва ахлоқ.
11. Мустабид шўро ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда дин.
12. Мустақиллик даврида миллий-маънавий мероснинг тикланиши.

13. Динда миллийлик ва умумисонийлик.
14. Дин ва демократия.
15. Дин ва сиёсат.
16. Дин ва хурфикрлилик.
17. Қадимги Миср динлари.
18. Қадимги Юнон динлари.
19. Қадимги Хитой динлари.
20. Қадимги Ҳиндистон динлари.
21. Қадимги Месопотамия халқлар динлари.
22. Шахс комолотида диннинг тутган ўрни.
23. Марказий Осиё халқларининг қадимги динлари.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг «Кластер», «Бумеранг» ҳамда «Муаммоли таълим» технологиясининг «Мунозарали дарс» методи, шунингдек диншуносликка доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва ролли ўйин усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Раҳбарий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998. 224-234-бетлар.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5-май.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

### **Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:**

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев X., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Мехнат, 2004. – 296 б.
2. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислом тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашиёти бирлашмаси, 2008.
3. Йўлдошхўжаев X. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик маъruzalар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
4. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 1999.
5. Ислом ва ҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 207 б.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Т.: F.Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.
2. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихон-тўра таржимаси. – Т.: «Мехнат» нашриёти, 1991.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.
5. Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий // Беруний. Танланган асарлар. V том. – Т., 1973. – Б. 157-167.
6. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. – М., 1989-1998.
7. Борисов. А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – М., 1991.
8. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.

9. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
10. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. – М., 1998. – С. 47-58.
11. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
12. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. – Т.: «Главная редакция энциклопедий», 1994.
13. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
14. Имом ал-Бухорий: Ал-Жомиъ ас-саҳих: IV жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1993.
15. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. / Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, З.Хусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.; расмлар муаллифлари: Ф.Курбонбоев ва бошқ. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 240 б.
16. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул мұхаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
17. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. – Т.: Мовароуннахр, 1995.
18. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.
19. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003. – 291 б.
20. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул мұхаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.
21. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / тўпловчилар: З.Исломов, Ш.Шожалилов. Масъул мұхаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашириёт бирлашмаси, 2009. – 444 б.
22. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: «Ёзувчи», 1996.
23. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети» нашриёти, 2008. – 664 б.
24. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари: ўқув-услубий қўлланма – Т.: Мовароуннахр, 2011. – 63 б.
25. Мень А. История религии. – М., 1994.
26. Миры народов мира. В 2 томах. – М., 1973.
27. Марказий Осиё динлари тарихи. / Масъул мұхаррир: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшunoslik институти, 2006. – 207 б.
28. Конфуций. Изречения. – М., 1994.
29. Кон-Щербок Д., Кон-Шербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М. 1995.
30. Кривелев И.А. История религии. – М., 1989.
31. Кулаков А.Е. Религии мира. – М., 1996. – С. 150-173..
32. Лимэн Оливер. Введение в классическую исламскую философию / Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь мир», 2009. – 280 с.
33. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга - юз жавоб). – Т., 2008.

34. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. М., Яблокова. – М., 1995.
35. Уватов У. Муслим ибн ал-Хажжож. – Т.: А. Қодирий номли «Халқ мероси» нашриёти, 1995.
36. Уватов У. Мұхаддислар имоми. – Т.: «Маънавият», 1998.
37. Отамуродов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.
38. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 71 б.
39. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Биринчи китоб / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият-Мовароуннахр, 2010. – 398 б.
40. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009. – 617 б.
41. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Мехнат, 1992. – 79 б.
42. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия аспи // Тахрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, Н.Иброҳимов, З.Ҳусниддинов ва бошқ./, – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт, 2001. – 256 б.
43. Ҳусниддинов З.М. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
44. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 1996.
45. Религиозные традиции мира. В 2 томах. – М., 1996.
46. Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. По данным археологии. – М., 1998.
47. Фромм Э. Психоанализ и религия // Фромм Э. Иметь или быть? – М., 1990.
48. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ и примеч. – М., 1994.
49. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. – М., 1990.
50. Щербатской Ф.И. Избранные труды по буддизму. – М., 1988.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. Халқ сўзи газетаси – [www.infoXS.Uz](http://www.infoXS.Uz)
2. Туркистан газетаси – [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
3. Маърифат журнали – [www.ma'rifat-inform.uz](http://www.ma'rifat-inform.uz)
4. Жамият ва бошқарув журнали – [www.rzultacademyfreenet.uz](http://www.rzultacademyfreenet.uz)
5. Мозийдан садо журнали – [www.moziy.dostlink.net](http://www.moziy.dostlink.net)
6. Ташқи ишлар вазирлиги – [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)
7. Зиёнет – [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)